

ОЛАМНИНГ ЛИСОНИЙ МАНЗАРАСИДА ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ВОҚЕЛАНИШИ

Турабоева Ситора Зокир қизи

Тошкент тиббиёт академияси "Ўзбек ва хорижий тиллар" кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7411326>

Аннотатасия. Ушбу мақолада олам лисоний манзарасини тафаккур ва тасаввур маҳсуллари ёрдамида когнитив англаш ҳамда уни тилнинг лингвистик ва экстралингвистик омиллар и ёрдамида воқеланишини илмий асосда тадқиқ этиши лингвокультурологик бирликларнинг ҳам бу жараёндаги ўрни ва иштироки таъминланишини талаб этиши борасида сўз боради.

Калит сўзлар: лисоний манзара, фразеология, лингвокультурологик бирлик, афоризм, миллий образ, воқеланиш.

РЕАЛИЗАЦИЯ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ В ЯЗЫКОВОМ ЛАНДШАФТЕ МИРА

Аннотация. В данной статье говорится о том, что когнитивное осмысление языкового ландшафта мира с помощью продуктов мысли и воображения и научное исследование его реализации с помощью языковых и экстралингвистических факторов требует роли и участия в этом процессе лингвокультурных единиц.

Ключевые слова: языковой ландшафт, фразеология, лингвокультурная единица, афоризм, национальный образ, реализация.

IMPLEMENTATION OF LINGUOCULTURAL UNITS IN THE LANGUAGE LANDSCAPE OF THE WORLD

Abstract. This article states that the cognitive understanding of the linguistic landscape of the world with the help of products of thought and imagination and the scientific study of its implementation with the help of linguistic and extralinguistic factors requires the role and participation of linguocultural units in this process.

Keywords: language landscape, phraseology, linguocultural unit, aphorism, national image, realization.

Н.Махмудов тилшуносликда антропоцентрик парадигманинг шаклланиши ҳақида мулоҳаза юритар экан, куйидаги фикрларини баён қилади: “Тилнинг ана шундай объектив хусусиятига мувофиқ равишда антропоцентрик парадигмада инсон асосий ўринга чиқарилади, бунда тил инсон шахсини таркиб топтирувчи бош унсур ҳисобланади. Оламнинг лисоний тасвири ҳеч қандай ғоя асосида шаклланмаган, бунга сабаб тил воситаларининг мўътадил эканлигида дейиш мумкин, яъни сўз турли ғоя ва фикрларни бирдек ифодалашга хизмат қила олади. Зеро, “оламнинг лисоний тасвири – борлиқ ҳақидаги билимларнинг тил воситасида акс эттирилиши, шунингдек, янги билимларни эгаллаш ва уларни ифодалаш воситаси”.

Г.Гачёвнинг фикрига кўра, “оламнинг миллий образи ўз таркибида миллий макон, турмуш тарзи, тил, миллий рух, миллий менталитет, борлиқни англашнинг миллий усули, борлиқ ҳақидаги миллий тушунчалар, қадриятлар тизими кабиларни қамраб олади. Ҳар бир давр ўзига ҳос миллий қиёфани яратади”. Ушбу категориялар асосида шаклланиб, узлуксиз ривожланиб бораётган миллий тиллар эса оламни турли бўёқларда, бетакрор тарзда тасвирлаши табиий ҳол. Ҳолбуки, “тил ўз маънолари тизими ва ушбу тизимлар

бирикуви орқали оламнинг концептуал моделини миллий ва маданий ранг-баранглик орқали бойитади”. Оламнинг лисоний тасвири хусусида илк бор В.Гумбольдт фалсафий диалектика асосида мушоҳада юритади. Тилни фалсафий асосда ўрганар экан, оламнинг лисоний тасвири ва унинг таркибий элементлари хусусида, жумладан, оламнинг умумий лисоний тасвири, миллий лисоний тасвир ва хусусий лисоний тасвир категорияларига тўхталиб ўтмайди. Оламнинг лисоний тасвири ва миллийлик категорияларининг ўзаро чамбарчаслиги масаласига эса кейинчалик тилшунос олим Л.Вайсгербер алоҳида эътибор қаратади ва ўз тадқиқотларида она тили миллатни бирлаштириб турувчи бирдан-бир мустаҳкам узв эканлиги ҳақидаги ғояларни илгари суриб, оламнинг миллий лисоний тасвири ҳақида атрофлича фикр юритади.

Тил ва маданият кесишувида юзага келган лингвокультурология алоҳида фан ва илм соҳаси сифатида ўзининг тадқиқ этиш объекти, предмети, мақсад ва вазифаларига эга бўлиши талаб этилади. Бунда, аввало, лингвокультурологиянинг умумий тавсифий хусусиятларини аниқлаштириш лозим бўлади. В.Н.Телия “Лингвокультурология инсоний, аниқроғи, инсондаги маданий омилни тадқиқ этувчи фандир” деган таърифни келтиради. Бу эса лингвокултурлогия марказида инсон феномени бўлган инсон тўғрисидаги антропологик парадигмага хос бўлган ютуқлар мажмуаси эканлигини билдиради” – деган мулоҳазаларни билдиради. Г.Г.Слишкинга кўра “Лингвокультурология инсон омилига, аниқроғи инсондаги маданият омилига йўналтирилган. Лингвокультурологиянинг маркази маданият феноменидан иборат бўлиши инсон ҳақидаги фаннинг антропологик парадигмага тегишли ҳодиса эканлигидан далолат беради”. Тил ва маданият муносабати масаласи мураккаб ва зиддиятли жиҳатларга эга. Бу муаммо олимлар томонидан қандай талқин этилмасин, тилшунослик, хусусан, лингвокультурология учун маданиятнинг тилда акс этиши ва бунда инсон омилининг ўрнини аниқлаш, тил воситасида маданий кадриятлар тизимининг тил эгалари томонидан идрок этилиши ҳолатини ўрганиш муҳимдир. Проф. Н.Маҳмудов айтганидек, “тил ва маданият деганда, одатда, тил орқали у ёки бу маданиятни ёки аксинча, маданиятни ўрганиш орқали у ёки бу тилни тушунтириш назарда тутилади, аниқроқ айтадиган бўлсак, лингвокультурологиядаги маданиятнинг маъноси “аклий-маънавий ёки хўжалик фаолиятида эришилган даража, савия (нутқ маданияти)” эмас, балки “кишилик жамиятининг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маънавий-маърифий ҳаётида қўлга киритган ютуқлари мажмуи (маданият тарихи, ўзбек маданияти) демакдир”.

Икки маданият ҳеч қачон бир-бирига тўлиқ мувофиқ келмайди. Бу номувофиқликлар таққосланаётган тиллардаги лингвокультурологик бирликларнинг лексик-семантик, функционал, услубий ва грамматик хусусиятларида ҳам кузатилади. Бу қатламга оид баъзи бирликларнинг қиёсланаётган иккинчи бир тилда эквиваленти бўлиши, ушбу бирликларни лингвистик жиҳатдан тенг қийматга эга эканлигини кўрсатмайди. Чунки бир маданият вакили когнитив лисоний оламида мавжуд концептосфера бошқа бир маданият вакили тилида реалия ёки лакуна ҳодисаси сифатида қабул қилиниши ёки вербализацияланмаган ҳолатда мавжуд бўлиши ҳам мумкин. Лингвокультурологик бирликларнинг ушбу хусусиятлари уларни қиёсий асосда таҳлил қилганда, ҳар икки тилдаги семантик-структурал характер-

хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тавсифлаганда ва таснифлаганда янада ойдинлашади.

Лингвомаданий бирликларнинг ўзини ҳам икки катта гуруҳга бўлишимиз мумкин. Бунда биринчи таснифга маданиятга оид бўлган ва реал ҳаётда предмет, воқеа-ҳодиса, ҳаракат-ҳолат шаклида мавжуд бўлган ҳамда вербализатсиялашган моддиятга оид бирликларни киритишимиз мумкин. Бунга ўзбек лингвомаданий бирлиги бўлган *дўппи, чопон, тандир, маҳалла, оқсақол, маҳси-калиш, сомса, сумалак, совчилик* кабиларни мисол сифатида келтирсак, инглиз тилида *speed-dating, thanksgiving day, boxing day, Chicken Tikka Masala* ва ҳқзларни мисол бўлиши мумкин. Бу турдаги бирликлар ҳам бир бирига айнан адекват ёки қисман эквивалент бўлиши мумкинлиги билан характерланади. Баъзи ҳолларда адекватлик ҳисобланган бирликлар ҳам барча семантиклик маъно қирраларига кўра адекват ҳисобланавермайди. Буни ўзбек маданиятида жуда катта ўринга эга бўлган *тўй* лексемаси шаклида вербаллаштирилган жараён атамаси ва унинг инглиз тилидаги таржимаси *wedding* мисолида қиёсий таҳлил қилишимиз мумкин.

Ўзбек тилида *тўй* лингвокультурологик бирлиги инглиз тилида *wedding* лексемаси билан адекват ҳисобланади. Бу бирлик — ”Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қуйидагича изоҳланади:

1. *Уйланиш, турмушга чиқиш, хатна қилиш ва бошқа муносабатлар билан зиёфат бериб, базм-томошалар билан ўтказиладиган халқ маросимларининг умумий номи;*

2. *Қудалар ўртасидаги келишувга мувофиқ, куёв томонидан қиз томонга бериладиган пул, сарпо, масаллиқ ва шу кабиларнинг мажмуи;*

3. *Шу нарсалар юборилиши муносабати билан куёв хонадонидан, келин хонадонидан ўтказиладиган маросим;*

4. *Бирор воқеа-ҳодисага бағишлаб зиёфат ва ўйин-кулгилар билан ўтказиладиган тантаналар”.*

Инглиз тилида *wedding* адекватлиги эса —”Longman English dictionary”да —...1. *A ceremony in which two people get married; 1a. relating to a wedding: wedding present/ring/sake/reception; 2. BrE a wedding anniversary* (таржимаси: икки кишининг турмуш қуриши муносабати билан ташкиллаштирилган тантана, маросим; 1a. тўй билан боғлиқ: тўй совғаси/узук/торт/кеча; 2. Юбилей, йиллик қутлов маросими).

Юқоридаги *тўй* лексемасига берилган ҳар бир изоҳда ўзаро мувофиқлик, яъни турмуш қуриш билан боғлиқ маросим эканлиги англашилади. Тўй билан боғлиқ жараён ҳар икки маданиятда ҳам зиёфат кўринишида эканлиги кузатилади. Бирок ўзбек тилидаги изоҳли луғатда хатна қилиш каби компонентларининг мавжудлиги тўй лексемасига адекват сифатида олинувчи *wedding* семантик майдонида акс этмайди. Шунингдек тўй эквивалент бирлигига келтирилган иккинчи изоҳ (қудалар ўртасидаги келишувга мувофиқ, куёв томонидан қиз томонга бериладиган пул, сарпо, масаллиқ ва шу кабиларнинг мажмуи) инглиз тилида *wedding* лексемаси изоҳи таркибида учрамайди. Ўзбек маданиятида тўй маросимининг куни белгилангач, куёвнинг хонадони келиннинг хонадонига тўйни ўтказиб олиш учун тўй кунидан бир ёки икки кун аввал ҳадя юборадилар. Ҳадянинг таркиби пул, сарпо ва озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат бўлади. Келиннинг хонадонига тўй (ҳадя) келиши - муносабати

билан куёв томонга унинг сепи юборилади. Сеп қиз узатишда унга ота-онаси ва қариндош-уруғлари томонидан бериб юбориладиган мол, бисот бўлиб, одатда, у буюмлардан иборат бўлади. Юқоридаги мисоллардан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, инглиз тилида *wedding* лексемаси таркибида ўзбек тилида тўй лексемасининг қудалар ўртасидаги келишувга мувофиқ, куёв томонидан қиз томонга бериладиган пул, сарпо, масаллиқ ва шу кабиларнинг мажмуи изоҳининг учрамаслиги маданиятнинг таркибида бундай ҳолатнинг йўқлиги билан изоҳланади. Шу сабабли ҳам лингвокултурологик бирликларда муайян бир маъносида адекват ёки эквивалент ҳисобланган семантик маъно иккинчи ёки бошқа бир контекст таркибида олинганда функциявийлик табиатига кўра ўзаро фарқланишлар кузатилади.

Мисол сифатида келтирилган *тўй* лингвомаданий бирлигининг дискурда воқеаланганда кўчма ёки метафорик маънода қўлланилиш ҳолатлари ҳам учрайди. Бунда ушбу бирлик хурсандчилик, ғалаба, яхши кун маъносида ишлатилади ва кўчма маъно контекст таркибида умумий таҳлилга тортилгандагина англашилади.

Эквивалент лингвокултурологик бирликлар маданиятлараро мавжуд мувофиқликнигина қайд этиб қолмай, балки уларнинг фарқлантириб турувчи хусусиятларини ҳам юзага чиқаради. Тиллар қиёсида шаклий ўхшаш, мазмуний компонентлари эса бир-бирига ўхшамаган лексик бирликлар конгруент ҳодисасини; шаклан ўхшаш бўлмаса ҳам, мазмуний компонентлари бир-бирига мувофиқ лексик бирликлар эса эквивалентлик ҳодисасини юзага чиқаради. Эквивалентлик ҳодисаси икки мувофиқ бирликни у ёки бу муносабатини изоҳлайди, бироқ бу бирликлар барча боғланишларни ҳосил қилмайди. Оламдаги ҳар бир нарса ўзига хос белгини характерлайди ва бу нарса у ёки бу маданият вакиллари томонидан бир хилда қабул қилинмайди. Шу сабабли бир тушунча ортида турли миллат вакиллари турли — ”из”ни кузатиши мумкин.

Эквивалент бирлик таққосланаётган тилда мувофиқ эквивалентнинг таркибий компонентларида мавжуд бўлмаган миллий-маданий сўз ёки сўз бирикмалари бўлиб, у айна миллий-маданий компоненти билан айнанлик ҳосил қилмайдиган лексик бирликдир.

Инглиз тилида *wedding* лексемаси таркибида ўзбек тилида тўй эквивалентининг қудалар ўртасидаги келишувга мувофиқ, куёв томонидан қиз томонга бериладиган пул, сарпо, масаллиқ ва шу кабиларнинг мажмуи изоҳининг учрамаслиги инглиз маданиятида бундай ҳолатнинг йўқлиги билан изоҳланади. Лингвокултурологик бирликларда функциявийлик хусусияти ҳам кузатилади. Бунда олинган бирлик муайян маданиятга оид чизгиларни акс этиши билан бирга маданиятга боғлиқ бўлмаган бир ёки бир нечта маъноларда ҳам қўлланиши мумкин. Юқорида келтирилган фикрларимизни *тўй* лексемасининг ўзбек тили изоҳли луғатида берилган тавсифи ҳам фикримизни далиллайди. Аммо инглиз тилидаги *wedding* лексемаси юқорида берилган семантик маънода қўлланилиш ҳолатлари учрамайди.

1. *Ейиш-ичишига бўлган талаби қонмоқ, қониб емоқ, ичмоқ, овқатга, сувга қонмоқ. Еб тўймаган ялаб тўймас. (Мақол) Қўл билан берганга қуш тўймас. (мақол)...*
2. *Сув, озуқага тўйинмоқ. (ер ва ўсимликлар ҳақида) Ҳозалар сувга тўйди. Ер тўймагунча эл тўймас. (мақол)*
3. *Кўчма маънода. Роҳатланиб, мириқмоқ. Уйқуга тўйдим. Дийдоринга тўймадим.*

4. *Кўчма маънода. Чидаб, тоқат қилиб чарчамоқ, тоқати тоқ. Безорижон бўлмақ. Ақл, инсоф билан иш қила-қила, энди жуда тўйдик. А.Қодирий. “Ўтган кунлар”*

Таҳлилга тортилган мисоллар асосида хулоса қилиш мумкинки, ҳар бир тилда мавжуд лингвокультурологик бирликлар назарда тутилаётган тилнинг лингвистик характер-хусусиятидан йироқлаша олмайди. Тил маданий ҳодиса сифатида эътироф этилиши билан бирга, унинг тизимида миллатнинг маданий қадриятларини акс эттирувчи, миллийлик хусусияти “бўртиб турган” махсус бирликлари алоҳида гуруҳланади. Бундай бирликлар муайян халққа хос этник, ижтимоий-маданий қарашлар, миллий анъаналар, удумлар, одоб-ахлоқ, мулоқот меъёрлари кабиларни англатади. Бу каби экстралингвистик маълумотларни ўзида жамлаган тил бирликлари миллий-маданий бирликлар деб аталади. В.В.Воробев бундай бирликларни лингвокултурама термини билан ифода этишни таклиф қилган эди. Унинг фикрича, бу термин тил бирлигининг нафақат лисоний маъносини, балки маданият сегментини ҳам қамраб олади. Лингвокультурологик бирликнинг алоҳида гуруҳи сифатида кўпинча реалликка асосланган ёки моддий асосга эга бўлган ва сезги аъзоларимиз орқали ҳис этиш имкони бўлган бирликлар лексик-семантик жиҳатдан бир қатор таснифларга эга ҳисобланади. Улар орасида лакуна ва реалиялар алоҳида ажралиб туради.

1. *Лакуна.* Лингвокультурология, сотсиолингвистика, таржимашунослик ва маданиятлараро мулоқот назариясига оид тадқиқотларда тиллар ва маданиятлардаги фарқлиликларни таҳлил қилишда —лакуна (лотинча *lacuna* – бўшлиқ, чуқурлик, чўнқир жой; франсузча *lakune* – бўшлиқ, бўш жой) терминидан фойдаланилади.

—Лакуна термини илк бор канадалик тилшунослар Ж.П.Вине ва Ж.Дарбелнелар томонидан илмий муомалага киритилиб, унга шундай таъриф берилган: —Бир тилдаги сўз бошқа тилда муқобилини топа олмаган ўринларда ҳар доим лакуна ҳодисаси воқеланади. Ретсипиентнинг бошқа маданиятдаги матнни ўз маданияти доирасида қабул қилиши ўша маданиятни тушунмасликка, айрим ҳолларда маданиятлараро тўқнашувларга сабаб бўлади. Лисоний тўсиқлар мавжуд бўлмаган ҳолатларда ҳам айнан маданиятлардаги фарқлилик маданиятлараро мулоқотга халақит қилиши мумкин. Бир неча тиллар лексикасини таққослаш натижасида тиллардан бирининг семантикасида бўшлиқлар, аслида мавжуд бўлиши керакдек кўринган сўзлар, —оқ доғларга дуч келиб қолиш мумкин. Ушбу бўшлиқлар — лакунар бирликлар деб аталади ва бошқа тилдаги сўзнинг сўз кўринишидаги ўхшашининг мавжуд эмаслиги натижасида юзага келади.

—Ўзга тил ва бошқа маданиятдаги номувофик, фарқли унсурларни ифодалашда турли терминлар, жумладан, лакуналар (Ж.П.Вине ва Ж.Дарбелне, В.Л.Муравев), оралик, лакуна (К.Хейл), зид сўзлар, ораликлар, лакуналар ёки тил харитасидаги оқ доғлар (Й.С. Степанов), таржима қилиб бўлмайдиган сўзлар (В. Г. Чернов), муқобилсиз, нол сўз (И.А. Стернин), муқобилсиз ёки фонли лексика (Л.С.Бархударов, Й.М.Верещагин, В.Г.Костомаров), тасодифий лакуналар, таржимасиз лексика (Л.С.Бархударов) каби атамалар қўлланилганини кузатиш мумкин.

2.*Реалиялар.* С.Влахов ва С.Флорин реалияларга объектлар, ҳаёт, кундалик турмуш, бир халқнинг маданияти ва тарихига хос бўлган, бошқаларда учрамайдиган сўз ва сўз бирикмаларини ўз ичига оладиган ифода воситаларининг муҳим категорияси сифатида тавсиф беради. Тадқиқотчилар реалияларни ўрганишда уларга

алоҳида ёндашиш лозимлигини таъкидлайди, чунки улар бошқа тилда ўзининг аниқ муқобилига эга бўлмайди, миллат ёки маҳаллий колоритнинг ташувчиси ҳисобланади.

Й.М.Верешагин ва В.Г.Костомаровлар ўз тадқиқотларида реалияларга мурожаат қилишган ва —тамғали, —коннотатив сўзлар, —эквивалентсиз лексика ёки —маданий компонентли сўзлар терминларига таянишган ҳамда реалия термини остида лексик бирликлар, миллий маданият хусусиятларини ифодаловчи ўзига хос семантикани тушунишган.

Юқорида берилган таъриф ва тавсифлардан соф лингвокултурологик бирликлар ҳақида қисқача тушунча ҳосил қилдик. Аммо шу ўринда тилда вазифадош лингвокултурологик бирликлар ҳам мавжудлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Биз бу таснифга оид бирлик намунасини юқорида *тўй* лексемаси мисолида кўрдик. Унга кўра у шаклдошлик хусусиятига эга ҳисобланади ва ҳар икки тилда ҳам от сўз туркуми маъносида келган ўринлардагина, лингвокултурологик бирликка хос бўлган хусусиятларни номоён қилади, аммо ўзбек тилида феъл маъносида маданиятга оид семантик маъно касб этмайди. Инглиз тилидаги *wedding* лексемаси эса фақат от маъносида қўлланилиб, ўзбек тилидаги *тўймоқ* феълнинг муқобили бўлиб кела олмайди. Ўзбек тилида феъл сифатида ифодаланган маъно бошқа лексемалар билан берилиши мумкин.

Замонавий тилшуносликда лингвокултурологиянинг иккинчи бир тармоғи сифатида лингвомаънавиятшуносликни қабул қилиш ҳақида қарашлар илгари сурилмоқда. Лингвокултурология тил ва маданият муносабатлари кесишувида юзага келадиган масалалар билан шуғулланар экан, маданиятни шартли равишда моддий ва маънавий таснифларга ажратиш ўринли бўлади. Шу ўринда лингвомаънавиятшунослик моддий маданият масалаларидан ажралиб чиқади ва маънавиятга дахлдор тушунча ва концептларни қамрайди.

Лингвокултурологиянинг лингвомаънавиятшунослик каби бир таркибий қисми бўлган лингвоамлакатшунослик тиллардаги муқобилсиз лексика ва лақуналарни тадқиқ қилади. Лингвокултурология мифлашган тил бирликлари, мифологем ва архетипларни, урф-одат ва ритуалларни, мақол, матал, иборалар “жамғарма”сини, эталон, стереотип ва рамзларни, метафора ва лисоний образларни, тилнинг услубий фондини, нутқий хулқ ва нутқ маданиятини қамраб олади.

Лингвомаънавиятшунослик ўз навбатида муайян маданият вакилларининг маънавий фазилатларини, яна ҳам аниқроғи ахлоқий-руҳий қадриятларни ифодаловчи вербализатсиялашган ёки вербализатсиялашмаган қадриятларини таҳлил ва тадқиқ этади, юқорида санаб ўтилган лингвокултурологиянинг таркибий қисмлари орасидан шахс маънавияти ёки маънавий салоҳиятини ривожлантиришга асос бўлувчи тушунча ва концепсияларни ажратиб олади. Масалан, ибораларнинг барчаси лингвомаданий характерга эга. Шу боисдан лингвокултурология аслида фразеологик бирликларни тадқиқ қилишдан бошланган. Лекин фразеологик бирликларнинг барчаси ҳам лингвомаънавий хусусиятга эга эмас. Ёки *Бузоқнинг югургани сомонхонагача* мақоли лингвокултурологик талқинлар доирасида қаралади. Бироқ *Андишанинг отини қўрқоқ деманг* мақоли шахс миллий маънавиятига бевосита дахлдор.

Юқоридаги мисолда келтириб ўтилган *андиша* лингвокультурологик бирлиги ҳам икки тил эгалари когнитив рецепторларида турлича талқинларга эга ҳисобланади. Ўзбек тилида *андиша* концептини ҳам ва бу концептосферасининг мустақил таркибий элементи ҳисобланган *уят* ва ундан “ўсиб чикқан” *уялиб қолмоқ*, *олдида уятли бўлиб қолмоқ*, *уялчанг*, *уятсиз*, *уятдан қизармоқ*, *уятга қолмоқ*, *уятдан ерга кириб кетай демоқ* каби лингвомаънавий бирликларни инглиз тилида тенг ёки эквивалент концептуал муқобилини топиш кенг қамровли лингвистик тадқиқ этишни талаб қилади. Семантик жиҳатдан муайян бир дискурс ёки контекстда *андиша* ва *уят* лексемаларининг мазмуний натижаси сифатида қабул қилинувчи *шарманда*, *шарманда бўлмоқ*, *шармандасини чиқармоқ*, *ер билан битта қилмоқ*, *шармандали* каби лингвокультурологик характердаги тил бирликларини инглиз тилида бевосита вербал воситалар билан ифодалаб бўлмайди. Инглиз тилида *shame*, *shameful*, *shameless*, *shamelessness*, *shame on somebody*, *shame culture*, *shamefaced* каби хулқ-атвор чизгиларига эга бирликлар муқобиллик жиҳатидан *шарманда* лексемаси ва у билан ёндош маъноларга мос келса-да, *уят* ва *андиша* лексемалари билан баъзи бир контекстлардагина мазмунан параллел келиши мумкин. Бу мазмуний концептосферада инглиз тилидаги *embarrassment*, *embarrassing*, *to be embarrassed* ёки ушбу бирликларга контекстуал эквивалент ҳисобланувчи *хижолат бўлмоқ*, *хижолатли*, *хижолат тортмоқ*, *бехижолат*, *хижолатдан ўлмоқ* каби эмотсионал-экспрессив ҳолатни ифодаловчи лингвомаънавий бирликлар билан изоҳланади. Бунда таҳлилга олинган *андиша* ёки *уят* лексемалари концепт сифатида ифодаляйдиган ҳиссий ҳолат инглиз маданияти учун хос эмас деган қатъий хулосадан йироқмиз. Аммо ушбу концепция остида жамланган маънавий фазилят ўзбек маънавиятининг ўзига хослиги десак адашмаган бўламиз. Муайян маданиятга мансуб лингвомаданий бирликларни контекст ёки яхлит дискурс таркибида олиб таҳлил қилиш тадқиқ этилаётган бирликнинг семантик маъносини яхшироқ ва ифодалироқ англаш имконини беради. Юқорида келтириб ўтилган *андишанинг отини кўрқоқ қўймоқ* деган параимиологик бирликда ҳам бирор ишни қилишга маънавий-руҳий ҳақиқатлари йўл бермаётган ва у ишни қилишни ўзига муносиб кўрмаётган ўзбек маънавий қадриятлари эгасининг ҳиссий ҳолати ифодаланади. Ушбу тадқиқмотимизда асосий урғу ҳам ўзбек ва инглиз тилларида мавжуд маънавий қадриятлар ва ахлоқий сифатларнинг тилда акс эттирилиши ҳамда ушбу лингвомаънавий бирликларнинг лингвистик ўзига хосликларини аниқлаш, таърифлаш ва тавсифлашга қаратилади.

REFERENCES

1. Turaboyeva, S. Z. (2022). O 'ZBEK VA INGLIZ TILLARIDA" DO 'ST" KONSEPTINING SOTSIAL O 'ZIGA XOSLIGI.
2. Turaboyeva, S. (2022). Jahon tilshunosligida lingvokulturologik birliklarning konseptual o'rganilishi.
3. qizi Turaboyeva, S. Z., & qizi Tashpulatova, D. X. (2022). O'ZBEK VA INGLIZ TILLARIDAGI AXLOQIY QADRIYATLAR MAZMUNINI IFODALOVCHI BIRLIKLARNING LINGVOKULTUROLOGIK XUSUSIYATLARI. *Academic research in modern science*, 1(1), 143-147.
4. Turaboyeva, S. (2022). LINGUOCULTURAL PROBLEMS IN THE UZBEK LANGUAGE. *COMPUTER LINGUISTICS: PROBLEMS, SOLUTIONS, PROSPECTS*, 1(1).
5. Абдураззакова, Д. С., Матчанов, С. Х., Ахмедова, Н. А., & Алиева, К. К. (2022). *Качество жизни пациентов с диагностированным ревматоидным артритом* (Doctoral dissertation, Ташкент).
6. Касимова, М. Б., & Ахмедова, Н. А. (2022). Анкилозловчи спондилитли беморларда скелетдан ташқари зарарланишларни баҳолаш.
7. Алиева, К. К., Назарова, К. Х., & Нурмухамедова, Н. С. (2019). КЛИНИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ТЕЧЕНИЯ РЕАКТИВНОГО АРТРИТА У БОЛЬНЫХ С ХРОНИЧЕСКИМ ВИРУСНЫМ ГЕПАТИТОМ. In *Дни ревматологии в Санкт-Петербурге-2019* (pp. 22-23).
8. Стреляева, А. В., Сапожников, С. А., Чебышев, Н. В., Эгамбердыев, Б. Н., Садыков, Р. В., Ахмедов, Ю. М., ... & Шамсиев, А. М. (2014). Лечение эхинококкоза легких, осложненного пециломикозом, у взрослых больных. *Хирургическая практика*, (1), 43-50.
9. Ахмедов, Ю. М., Ахмеджанов, И. А., Мавлянов, Ш. Х., Мавлянов, Ф. Ш., Ибрагимов, К. Н., & Курбанов, Ж. Ж. (2007). Рентгенопланиметрические методы диагностики обструктивных уропатий у детей. *Саратовский научно-медицинский журнал*, 3(2), 66.
10. Ахмедов, Ю. М., Курбанов, Д. Д., & Мавлянов, Ф. Ш. (2011). Прогноз исхода врожденного гидронефроза у детей. *Педиатрическая фармакология*, 8(1), 108-111.